


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Абдуллаев Б. Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри хусусида баъзи мулоҳазалар 3
Абдухалимов Б. Формуляры по семейному праву из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 12
Каримова Н. Сведения “Шуюй Чжоуцзылу” Ян Цзунцзяня по исторической географии Центральной Азии 24

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Бобоёров Ғ., Сувонкулов М. “Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари..... 34
Остонов Ж. Француз шарқшунослик мактаблари ва уларнинг тадқиқот объектлари..... 48
Воҳидова К. Фарғона водийси жадидларининг газетани аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалари 68

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Мирзаева М. Шайбонийлар даври туркий ёрликлари хусусида *(Короскон саййидлари ҳужжатлари)*..... 79

ИСЛОМШУНОСЛИК

Муҳаммадаминов С. ЎзР ФА ШИда сақланаётган мўғуллар даврига оид “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асари ва унинг нусхалари 96

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Исмоилова Ж. Тарих зарварағида Тўмарис сиймоси 113

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мадалиева О. “Бадойиъ ал-бидоя” девонининг тузилиши Алишер Навоий шеърияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида 125

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Усмонов И. ЎзР ФА ШИ фонди № 9027 қўлёзма мажмуасидаги Ҳаким Термизийга мансуб рисола ҳақида 146

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 245 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Эшонова С. Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрларининг матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар..... 156

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Абдухалимов Б., Камолиддинов Ф. Центральная Азия и Совет сотрудничества арабских государств Залива – в меняющемся миропорядке 174

Акрамова Ш. Социально-экономическая ситуация в КНР после «Культурной революции» 184

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 3 майдаги мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Баҳтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Тошов Нурёғди
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

30.10.2024 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,37. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:27-24. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

МАНБАШУНОСЛИК

Б. Абдуллаев

Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри хусусида баъзи мулоҳазалар

“Тафҳим” асарининг ҳам араб, ҳам форс тилидаги қўлёзма нусхалари Абу Райҳон Берунийнинг (973–1048) бошқа асарларига нисбатан бирмунча кўпроқ сақланган. Масалан, 1955 йили Д.Ж. Буало (XX аср) тузган Беруний асарлари библиографиясининг ўзида “Тафҳим”нинг 15 та қўлёзмаси – 6 та арабча ва 9 та форсча нусхаси кўрсатилган [6: 161–256]. Ҳозирги кунда фанга асарнинг 15 та арабча ва 21 та форсча нусхаси борлиги маълум. “Тафҳим” қўлёзмасининг яхши ҳолатда сақланган энг қадимги нусхаларидан бири Тошкентда, ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 3423 рақам билан сақланади. Бу қўлёзма 660/1262 йилда кўчирилган [1: 1b]. Қадимийлиги даъво қилинадиган яна бир қўлёзма Душанбеда, Тожикистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти фондида 385 рақам билан сақланади. Лекин бу қўлёзманинг кўчирилган вақти номаълум. Мазкур қўлёзма асосида амалга оширилган факсимиле нашрида кўзга ташланган айрим ҳолатлар баъзи саволларни вужудга келтирди.

Аввало, “Тафҳим” асари ҳақида қисқача маълумот берсак. Асарнинг тўлиқ номи “Ат-тафҳим ли авоил синоъат ат-танжим” (“Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби”) бўлиб, 530 та савол-жавоб тарзида баён этилган. Унинг турли қўлёзмаларида саволлар тартиб рақами билан таъминланмаган, боблар кўрсатилмаган, фақат айримларида геометрия, арифметика, астурлоб ва астрологияга оид бобларгина махсус кўрсатилган. 2022 йили Тошкентда нашр этилган “Танланган асарлар”нинг VI жилдида у саккиз бобга,

боблар эса бўлимларга ажратилган [4]. Биринчи боб 71 та савол-жавобдан иборат бўлиб, унда геометрия баён қилинади. 48 та савол-жавобдан иборат иккинчи боб арифметика, алгебра ҳамда ҳарфий нумерацияга бағишланган. 87 та савол-жавобдан иборат учинчи боб – астрономияга, 35 та савол-жавобдан иборат тўртинчи боб – география ва гномоникага, 26 та савол-жавобдан иборат бешинчи боб – астрологик астрономияга, 23 та савол-жавобдан иборат еттинчи боб – астурлобга ва саккизинчи боб 184 та савол-жавобдан иборат бўлиб, "аҳкоми нужум" – юлдузлардан ҳукм чиқариш, астрологияга бағишланган.

Душанбеда 2023 йили Иззатулло Мирзоев бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан амалга оширилган факсимиле нашри қисқагина кириш сўзи ва кўрсаткичлар билан таъминланган [5]. Нашрга тайёрловчилар бу қўлёзмада кўчирувчининг кимлиги ва кўчирилиш санаси номаълум бўлишига қарамасдан, уни муаллиф даврида кўчирилган энг қадимги нусха, деган хулосага келганлар [5: 5]:

– қўлёзма ўлчами 24x16,5 см, қалинлиги 3 см. Ҳар саҳифада 17 сатр, насх хатида ёзилган;
– охирги варағи Қўқон қоғозида, настаълиқ хати билан XX аср бошида тикланган. Ўша ерда нусха Яздигард санасига кўра [1], 628 йили кўчирилгани қайд қилинган [2]. Бу маълумотга изоҳ берган номаълум шахс форс тилида яна қуйидагиларни илова қилган: "*628 – бу Бухоро нусхасининг кўчирилган санаси. Шу охирги варақ Бухоро нусхасидан кўчириб олинган. Ваҳоланки, бу (биздаги) Сталинобод нусхаси олимнинг ўз замонасида кўчирилган*" [5: 5];
– муҳрлари: 4 та думалоқ, 2 та тождор шаклда. Думалоқ муҳрларни ўқиб бўлмади. Тождор муҳрлардан биринчисининг ёзуви настаълиқда битилган. Унда: *"Бандаи Шоҳи Нажаф Султон Муҳаммад Қутбшоҳ"* деган ёзув бор. Пастки қисмидаги санани ўқиб бўлмайди-ю, 1020 ҳижрий йил деб тахмин қилиш мумкин;
– иккинчи тождор муҳрда "*Бандаи Шоҳи вилояти* [3] *Қутбшоҳ*" ёзуви мавжуд. Демак, қўлёзма Қутбшоҳийлар сулоласи вакилларидан бири салтанати кутубхонасига тегишли бўлган.

[1] Яздигард санасининг бошланиши милодий 631 йилнинг 16 июнига тўғри келади.
[2] Бу ҳижрий сана билан 660 йилга, милодий сана билан 1262 йилга мос келади.
[3] Бу сўзни "валоят" деб ўқилса, тўғри бўлади.

Улар 200 йилга яқин Ҳиднинг Дакан шарқида “Шибҳи қораи ҳинд”да ҳукмдорлик қилганлар. Бу иккала муҳр ҳам Султон Муҳаммад Қутбшоҳ (1627–1656) ва унинг фарзанди Абдуллоҳ Қутбшоҳга тегишли.

“Тафҳим”нинг Душанбе нусхаси нашрини Тошкент нусхаси билан қиёсий ўрганиш жараёнида бу қўлёзма борасида баъзи саволларга жавоб топилгандек бўлди.

Айтиш мумкинки, Тошкент ва Душанбе қўлёзма нусхалари бир даврда кўчирилган. Ҳатто, бир нусхадан кўчирилган, десак ҳам хато бўлмайди. Чунки иккала нусханинг ҳам охирги саҳифасида кўчирилган санани англатувчи ушбу қайдлар ўзгаришсиз берилган:

از مهرماه سال بر ششصد و بیست و هشت یزدجردی – *Аз меҳр моҳи соли бар шаш саду бисту ҳашти яздижардий (“Олти юз йигирма саккизинчи йил яздгарди”)* [2: 231a*;* 5: 144b].

Мавзулар, яъни саволлар, шакллар ва жадвалларнинг баъзи қисмлари қизил сиёҳда ёзилган. Иккаласида ҳам асл нусха қайси хаттот томонидан кўчирилгани номаълум. Шунингдек, ҳар икки нусхада Сақлаб шаҳар номи бир ўринда سقلاب шаклда [5: 96b], бошқа ўринда صقلاب кўринишида берилган [5: 80b]. Бу тасодиф эмаслигини ҳисобга олсак, иккала нусханинг ҳам асли бир матндан кўчирилган деб тахмин қилиш мумкин.

Лекин асарга ишланган геометрик шаклларнинг баъзилари бир-биридан фарқли. Масалан, уларда кўпинча ўзаро симметриклик кузатилади [1: 3ab*;* 5: 3b]. Душанбе нусхасидаги харита унчалик ҳафсала билан чизилмаган. Форс денгизи икки жойда берилган, бири ўз ўрнида, яна бири “Дарёи Бонтус” (Қора денгиз) ўрнида. Тошкент нусхасидаги 77a саҳифада берилган. Ердан Қуёш, Ой ва беш сайёрагача бўлган масофаларни аниқлаш жадвали соддароқ, Душанбе нусхасининг 49b саҳифасида эса жуда мукаммал ёритилган. Кўп ўринларда икки нусхада ҳам синоним сўзлар ишлатилган. Масалан, Душанбе нусхасининг 23b бетида “*соли ҳиндувон, чи бошад*” (ҳиндулар йили нима экан?) сўзлари Тошкент нусхасининг 124b (286) бетида *“соли ҳиндувий, чи бувад”* (ҳиндча йил нима экан?) тарзида берилган. “12 бурж жойлашуви”га оид 5 та жадвални синчиклаб қаралса, улардаги абжадда берилган ҳарфлар (сонлар) кўп ўринларда бир-биридан фарқ қилгани кузатилади: вов ўрнига дол, дол ўрнига

жим, дол ўрнига бе ҳарфлари қўйиб кетилган [1: 48b–50b; 5: 76b-78a]. Тошкент нусхасидан фарқли равишда Душанбе нусхасида диакритик белгилар – остин-устин ва замма белгилари йўқ. Тошкент нусхасининг ҳошиясида қўшимча шакл ва изоҳлар мавжуд. Душанбе нусхасида бу кузатилмайди. Душанбе нусхасининг ҳар саҳифаси 17 сатр билан таъминланган.

Тожикистонлик тадқиқотчилар "*энг комил нусха*" [5: 5] деб атаган нусхада мавзулар пойма-пой берилган. Анча машаққатли изланишлардан кейин қисқалик ва тушунарли бўлиши учун, иккала нусхадаги нуқсонли ва тушиб қолган варақлар ўрни аниқ кўриниши ва осон топилиши учун Душанбе ва Тошкент нашрларидаги [2] мавзу-саволлар кетма-кетлигини қуйидаги жадвалда ифодаладик:

Мавзу-саволлар тартиб рақами	**№ 3423 Тошкент нусхаси факсимиле нашридаги мос келувчи варақлар**	**№ 3423 Тошкент нусхаси факсимиле нашридаги мос келувчи бетлар**	**№ 385 Душанбе нусхаси факсимиле нашридаги мос келувчи варақлар**
1–47	1b–6b	40–50	1b–7a
48–62	7a–10b	55–62	7*a*–9b
63–69	11a–12b	51–54	10*a*–11a
70–105	13a–21b	63–79	11*a*–16b
106–108	21b–22b	80–82	142*a*–142b
109–139	23a–35a	83–107	64*a*–72*a*
140–143	34b[1]	108	72*a*–72b
144–145	36a–36b	109–110	72b
146–155	37a–42b	111–122	79a–82b
156–163	43b–51a	124–139	73b–78b
164	54a–57b	145–146	140b,53a–55a
165–193	54a–67a	147–171	55b–63b
194–211	68a–79b	173–196	43a–51b
212–232	81b–89b	200–216	37a–42b
233–235	90a–91a	217–219	83a–83a
236–241	91b–95b	220–230	52b–55a
242–278	97a–112a	231–261	83b–94b

[1]Нашриёт хатоси, тўғриси 35b бўлиши керак.

Собийлар ҳақидаги савол	------	------	94 b
279–282	112b –115a	262–267	95a –96b
283–321	115b–124b	268–286	18a–23b
322–346	------	------	24a–33b
347–359	141b–145a	287–295	34a–36b
360–441	145b–178b	296–362	97a–114b
442–443	178b–179a	362–363	143a–143b
444–447	179a–181a	363–367	----------
448–456	181a–185b	367–376	115a–117b
457–460	186a–190a	377–385	----------
461–484	190b–205b	386–416	118a–125a
485	208a	421	125a–125b
486	205b–207b	416–420	125b
487–488	208b–209a	422–423	------
489–490	209b–210a	424–425	------
491–522	210b–226b	426–457	127a–136b
523	------	------	136b–137a
524–526	226b–229b	458–464	138a–139b
527	230a	465	------
528–530	230b–231a	466–467	144a–144b

Жадвалдаги бўш катаклар мос нусхада шу сондаги мавзу – саволлар мавжуд эмаслигини англатади.

Кўриниб турганидек, Душанбе нусхасида мавзу – саволлар кетма-кетлиги ниҳоятда тартибсиз. Тошкент нусхасида мавзулар кетма-кетлиги иккита ўринда алмашиб қолган холос: 11–12-варақлар 6–7-варақ орасига тушиб қолган, 485-савол 486 билан 487-савол орасига тушиб қолган.

Душанбе нусхасининг 94b саҳифасида Тошкент нусхасининг 112b (262) саҳифасида мавжуд бўлиши керак бўлган ўринда “Собийлар” деб номланган мавзу остида 7 сатрлик маълумот берилган[1]. Бу сарлавҳа ва матн Истанбулдаги “Миллат марказий кутубхонаси”да 1333 рақам остида сақланаётган “Тафҳим”нинг

[1]Собийлар – юлдузларга топинувчилар.

арабча нусхасида ҳам, Берлин Давлат кутубхонасидаги арабча нусхада ҳам (PetermannI 67), Тошкентда Шарқшунослик институти фондида сақланадиган 3423 ва 445 рақамли нусхаларда ҳам йўқ. Ўзбекистонда амалга оширилган янги нашрлар [4] ва бошқа чет эл нашрларида, жумладан, Ҳумоийнинг тадқиқотида [7] ва 2015 йилдаги Теҳрон факсимиле нашрида [8] ҳам бу сатрлар мавжуд эмас. Бизнингча, бу сатрларни бирон олим Берунийнинг "Қонуни Масъудий" ва "Тафҳим" асарларидан фойдаланиб, уни шу ўринга мос кўриб қўшиб ёзиб қўйган бўлса керак [3: 184–185; 4: 127]. Агар буни инкор қилсак, ё Душанбе нусхасини унинг факсимиле нашри сўзбошисида айтилганидек [5: 5], муаллифнинг ўз даврида кўчирилган нусха эканини эътироф этиш керак бўлади (ваҳоланки бу исбот этилмаган). Ёки Берунийнинг ўзи ёзган энг аввалги нусхада мавжуд бўлган шу мавзу-савол дастлабки хаттот томонидан ташлаб кетилгану, қолган ҳамма нусхаларга шу қўлёзма асос бўлган, дейишга тўғри келади. Айни пайтда жуда заиф, ишониб бўлмайдиган учинчи бир фикрни ҳам айтиш мумкин: барча нусхалар "собийлар" ҳақида гапиришга имкон бўлмаган маълум бир даврда кўчирилган. Бу эса ҳақиқатдан анча йироқ гап. Ҳар ҳолда ҳозирча бу жумбоққа аниқлик кирита оладиган бир қатъий далил топа олмадик.

Жадвалдан маълум бўляптики, Тошкент нусхасида астурлобга оид бобдаги 25 та (322–346) мавзу-саволда суқут бор, Душанбе нусхасида улар тўлиқ бўлса-да, бошқа жойлардаги мавзу-саволларнинг 13 таси тушиб қолган.

Душанбе қўлёзма нусхасида саҳҳоф ва хаттотлар томонидан хатоларга йўл қўйилган жойлари жуда кўп учрайди. Чизмалар ва улардаги белгилашларда жиддий нуқсон кузатилади. Нафақат математика ва астрономия илмидан, балки форс тилидан ҳам бехабар ёки бехафсала бир саҳҳоф томонидан пойма-пой қилиб жамланган Душанбе нусхасини кимдир шу ҳолида, борича, аслида 1b дан бошланиши керак бўлган ўриндан бошлаб ҳар бир бетининг тепа қисмига – варақнинг b бетига мос келган жойларга араб графикасида бирдан бошланувчи тоқ сон, а бетига эса жуфт сонли тартиб рақами қўйиб чиққан. У 287 бетни, аниқроғи 144 варақни ташкил этган. Душанбе нашрини амалга оширган олимлар на бунга, на мавзу-саволларга эътибор қилмасдан, аввалги рақам қўювчига тақлид қилган

ҳолда 1a дан бошланувчи саҳифалар тартиб рақамларини қўйиб чиқишган. Боз устига, китоб охирида мундарижа берилмагани тадқиқотчи ва ўқувчиларга қийинчилик туғдиради.

Душанбе нусхасининг кўчирувчиси ҳам кўп ўринларда қўпол хатоларга йўл қўйганини кузатамиз. Масалан, 90b саҳифада (Тошкент нусхасидаги 107a (251) саҳифага тўғри келади) “йил” сўзи ўрнига “ой”, 91b саҳифада (Тошкент, 108b (254)) “умматлар номлари” жумласи ўрнига “умматлар ойлари” жумласини ишлатган. Ундан ташқари, одатда боблар охирида ишлатиладиган “Аллоҳ билгувчироқ ва ҳукм қилувчироқдир”, “Аллоҳ билгувчи ва ҳакимдир”, “Тўғрисини Аллоҳ билур” сингари иборалар тушириб қолдирилган. Ваҳоланки, бу ибораларни Тошкент нусхасида ҳар боб охирида кузатиш мумкин.

Душанбе нусхаси хаттотлари суқутга эътибор қилмасдан бир чеккадан саҳифага рақам қўйиб кетишган. Бу икки нарсани англатади: биринчидан, хаттот аввалги нусхадаги рақамларга қараган ва суқути бор жойларнинг варақ рақамларини ўз ҳолича қолдирган ва шу рақамлар асосида, яъни борича кўчирган, ўзи янгидан рақам қўймаган. Иккинчидан, хаттот эса, асл нусхадаги варақ рақамларига ё эътибор бермасдан, ёки агар суқутдан бехабар ҳола аввалги хаттотнинг хатоси деб ўйлаб, ўзи янги тартиб рақамини ишлатган.

Буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри ўз вақтида дунё юзини кўргани, шубҳасиз, айни муддао бўлди. Чунки бу нашр келажакда ҳали шу пайтгача амалга оширилмаган иш – “Тафҳим”нинг танқидий матнини яратишга замин ҳозирлайди ва тадқиқотчи олимлар учун муҳим бир манба бўлиб хизмат қилади. Бу ишнинг юзага чиқишида ушбу мақола ҳам ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Райҳон Беруний. Тафҳим. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3423.
2. Абу Райҳон Беруний. “Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби” – “Тафҳим”. Тадқиқот ва факсимиле/Нашрга тайёрловчи ва кўрсаткичлар муаллифи:

Ботиржон Абдуллаев. Сўзбоши муаллифлари: Ашраф Аҳмедов ва Ботиржон Абдуллаев. Тошкент, 2023.

3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, Қонуни Масъудий / Таржимонлар: А. Аҳмедов, [А. Расулов], Б. Абдуллаев**.** Сўзбоши муаллифи: А. Аҳмедов. Изоҳлар ва кўрсаткичларни А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев ва У. Куранбаевалар тузган. Ж.4. Тошкент, 2022.
4. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Тафҳим / Арабчадан А. Аҳмедов таржимаси**.** Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов. Ж.6. Тошкент, 2022.
5. Абурайҳони Беруни. Китоб-ут-тафҳим ли авоили саноат-ит-танжим. Чопи акси. Таҳия ва феҳристҳо аз Иззатулло Мирзоев. Душанбе, 2023.
6. Boilot D. J. L’oeuvred’al-Beruni, Essai bibliographique, Melanges de L’Jnstitut Dominician d’Etudes orientales, vol.L, 1955.
7. ا بو الر يحا ن البير و نى كتا ب التفهيم لا وا ئل صنا عة التنجيم تصحيح و مقد مة و حو ا شى بخا مة جلا ل هما ئى طهر ا ن 1316 ه ش
8. ابو ريحان بيرونى كتا ب التفهيم لاوائل صناعة التنجيم طهر ا ن 2015

Б. Абдуллаев

Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри хусусида баъзи мулоҳазалар

“Ат-тафҳим ли авоил синоъат ат-танжим” (қисқача “Тафҳим”) (“Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби”) Абу Райҳон Берунийнинг (973–1048) энг йирик асарларидан бири бўлиб, энциклопедик характерга эга. Унда математика, астрономия, география, тарих, хронологиянинг умумий масалалари ва уларнинг мунажжимлик санъатига (астрология) татбиқи баён этилган. “Тафҳим”нинг ҳам араб, ҳам форс тилидаги нусхалари Берунийнинг бошқа асарларига нисбатан бирмунча кўпроқ сақланган. Ҳозирги кунда фанга асарнинг 15 та арабча ва 21 та форсча нусхаси борлиги маълум. “Тафҳим” қўлёзма нусхаларининг яхши ҳолатдаги энг қадимий нусхаси Тошкентда, ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 3423 рақам билан сақланади.

Мақолада асарнинг 2022 йили Тошкентда нашр этилган “Танланган асарлар”нинг VI жилдидаги матни ҳамда алломанинг 1050 йиллик юбилейи муносабати билан Душанбеда амалга оширилган факсимиле нашри ҳақида фикр юритамиз. Унда асарнинг Душанбе шаҳрида сақланаётган қўлёзмасининг кодикологик ва матн хусусиятлари борасида мақола муаллифининг фикр-мулоҳазалари ўртага ташланган.

Калит сўзлар: *Беруний, “Тафҳим”, Бухоро, Тошкент, Душанбе, қўлёзма, насх, хаттот, факсимиле, ўрта асрлар мусулмон астрономияси, мунажжимлик санъати.*

Б. Абдуллаев

Некоторые замечания о факсимильном издании “Тафхим” Беруни из Душанбе

Книга Абу Райхана Беруни (973–1048) «Ат-тафхим ли аваил синаъат ат-танжим» («Книга, объясняющая основы искусства астрологии», коротко «Тафхим») является одним из крупнейших его произведений и имеет энциклопедический характер. В нем описаны общие вопросы математики, астрономии, географии, истории, хронологии и их применение в астрологии. Копий «Тафхима», дошедших до нас как на арабском, так и на персидском языке, сравнительно больше, чем других произведения Беруни. В настоящее время известно, что существует 15 арабских и 21 персидский экземпляр произведения. Один из лучших и древнейших рукописных экземпляров «Тафхима» хранится в Ташкенте, в фонде Института востоковедения АН РУз под инвентарным номером 3423.

В этой статье рассмотрено факсимильное издание, опубликованное в Душанбе к 1050-летию мыслителя: приводится мнение автора статьи относительно кодикологической и текстологической характеристики рукописи произведения, хранящейся в городе Душанбе.

Ключевые слова: *Беруни, «Тафхим», Бухара, Ташкент, Душанбе, рукопись, насх, каллиграф, факсимиле, средневековая мусульманская астрономия, астрология.*

B. Abdullaev

Some notes on the facsimile edition of "Tafhim" of Beruni from Dushanbe

The book of Abu Rayhan Beruni (973–1048) "At-tafhim li awail sina'at at-tanjim" ("The Book Explaining the Fundamentals of the Art of Astrology" – in short "Tafhim") is one of his largest works and has an encyclopedic character. It describes general issues of mathematics, astronomy, geography, history, chronology and their application in astrology. There are comparatively more copies of Tafhim that have come down to us in both Arabic and Persian than other works of Beruni. Currently, 15 Arabic and 21 Persian copies of the work are known to exist. One of the best and oldest handwritten copies of "Tafhim" is kept in Tashkent, in the collections of the Institute of Oriental Studies of the Uzbekistan Academy of Sciences under inventory number 3423.

This article examines a facsimile edition published in Dushanbe on the occasion of the 1050th anniversary of the thinker: the opinion of the author of the article regarding the codicological and textual characteristics of the manuscript of the work, stored in the city of Dushanbe, is revealed.

Keywords: *Beruni, "Tafhim", Bukhara, Tashkent, Dushanbe, manuscript, naskh, calligrapher, facsimile, medieval Muslim astronomy, astrology.*

Б. Абдухалимов

Формуляры по семейному праву из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи

Мы продолжаем публикацию статей, посвященных изучению юридических документов, включенных в двадцать восьмой раздел уникального труда Абу Хафса ан-Насафи (ум. в 1142 г.) «Матла‘ ан-нуджум ва маджма‘ ал-‘улум» («Восхождение звезд и собрание наук») [2; 3; 4; 5.]. Предметом нынешней нашей публикации являются разделы книги, посвященные формулярам записей по семейному праву [1: 252ab].

Бизнинг муаллифлар

1. **Абдуллаев Ботиржон Қосимович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
2. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Бобоёров Ғайбулла Боллиевич –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.
5. **Воҳидова Комила Абдуллозизовна** – тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети докторанти.
6. **Исмаилова Жаннат Ҳамидовна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурҳониддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло қизи –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
11. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
12. **Остонов Жаҳонгир Давлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – Гулистон давлат университети таянч докторанти.
14. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.

Наши авторы

1. **Абдуллаев Ботирджан Косимович –** младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, вице-президент Академии наук Республики Узбекистан, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Бабаяров Гайбулла Боллиевич –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Национального археологического центра Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Вохидова Комила Абдуллазизовна** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Наманганского государственного университета.
6. **Исмаилова Жаннат Хамидовна** – доктор исторических наук, профессор, директор Государственного музея истории Узбекистан Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурханиддин угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – доктор философии по филологии (PhD), старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло кизи –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Остонов Джахонгир Давлатович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – базовый докторант Гулистанского государственного университета.
14. **Усмонов Иброхим Собирович –** кандидат исторических наук, доцент, докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bahrom A. Abduhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, vice-present of Uzbekistan Academy of Scince, Director of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
2. **Botirjon Q. Abdullaev** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
3. **Farrukh B. Kamoliddinov** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
4. **Gaybulla B. Boboyorov** – Doctor of Science (in History), professor, Deputy Director of the National Archaeological Center of Uzbekistan Academy of Scince.
5. **Ibrohim S. Usmonov –** Candidate of Historical Sciences, associate professor, DSc student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
6. **Jahongir D. Ostonov –** PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
7. **Komila A. Vohidova –** Candidate of Historical Sciences, Associate Professor, DSc student of Namangan State University.
8. **Maftuna M. Mirzayeva** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
9. **Muzaffar Z. Suvonkulov –** PhD student of Gulistan Satate University.
10. **Natalia E. Karimova –** Doctor of Science (in History), professor, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
11. **Oysara R. Madalieva –** PhD in Philology, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** Candidate of Historical Sciences, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.

13. **Salimakhon N. Eshonova** – Candidate of Philology Sciences, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
14. **Shoira M. Akramova** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
15. **Zhannat Kh. Ismailova** – Doctor of Science (in History), Professor, Director of the State Museum of History of Uzbekistan of Uzbekistan Academy of Sciences.